

## ТЎЛОВ-ТЕРМИНАЛИ УСКУНАСИНИНИНГ ИЖАРАСИ БЎЙИЧА ҚЎШИЛИШ ШАРТНОМАСИ

«ОРИЕНТ ФИНАНС» ХАТБ, кейинги ўринларда Банк деб номланади, бир томондан, ва Ташкилотнинг вакили тўлов-терминали ускунасинининг ижараси бўйича Қўшилиш шартномасига қўшилиш тўғрисида Ариза (кейинги ўринларда - Ариза) бериш орқали қабул қилиш истагини билдирувчи Ташкилот, кейинги ўринларда Корхона деб аталувчи, иккинчи томондан, мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

### ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

Ушбу шартнома, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк карталарининг чиқарилиши ва муомалада бўлиш қоидалари тўғрисидаги Низом (2021 йил 03 апрелда Адлия вазирлигида №3294 сон билан рўйхатга олинган) ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни амалга ошириш учун Банк миждозларига ва Корхоналарга қўшма хизматлар кўрсатиш учун тузилган, бунинг учун Банк корхонага қуйида кўрсатилган шартлар билан тўлов Терминалини (бундан буён матнда ускуналар деб номланади) вақтинча фойдаланишга топширади ва Корхона ўз навбатида Ускуналар ва жиҳозларни ўрнатиш учун жой ажратади ва унга берилган ускуналарнинг хавфсизлиги ва бутлиги учун жавобгар бўлади.

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 360-моддасида белгиланган тартибда Корхонанинг Шартномага қўшилиш шаклида тузилади.

Корхона томонидан Аризани тўлдирлиши ва имзоланиши Корхонанинг Шартноманинг шартларини тўлиқ ва ҳеч қандай қўшимча шартларсиз қабул қилганлигини тасдиқлайди. Аризани имзолаш вақтида Корхона томонидан Шартнома шартларини ўзгартириш учун қўйилган ҳар қандай қўшимча шартлар юридик кучга эга эмас.

Ушбу Шартнома, банк карталари эгаларига Корхонанинг савдо нуқталари орқали (хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш) Банк хизматларини кўрсатиш мақсадида, Банк ва Корхона ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

Тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришдан аввал Корхонага Шартнома матни ва Банк Тарифлари билан танишиб чиқиш ҳуқуқи берилади. Корхона Шартнома матнининг чоп этилган бир нусҳасини олиш ҳуқуқига эга.

### ТУШУНЧАЛАР

<b>Шартнома</b>	ушбу Шартнома, унга иловалар ва қўшимчалар ва ҳар қандай ёзма кўрсатмалар, таомиллар ва билдиришномалар;
<b>Карточка</b>	банкнинг ёки карталар билан ўзаро хизмат кўрсатиш учун банк билан тегишли шартномаларга эга бўлган бошқа тижорат банки томонидан чиқарилган амалдаги банк картаси (шу жумладан, корпоратив);
<b>Эгаси</b>	картани тўлов воситаси сифатида тақдим этадиган Карта эгаси, унинг Картага эгалик ҳуқуқи Шартнома бўйича Корхона учун Банк томонидан ўрнатилган таомиллар билан белгиланиши мумкин;
<b>СХКК (савдо ва хизмат кўрсатиш корхонаси) учун йўриқнома</b>	Карта эгаларига хизмат кўрсатиш, Банк билан ишлаш, Карта хавфсизлигини текшириш ва Ускунадан фойдаланиш бўйича Корхона учун кўрсатмалар (ушбу Шартномага 7,8-илова);
<b>Ускуна</b>	Карта эгаларига хизмат кўрсатиш учун Банк томонидан Корхонага тақдим этиладиган техник воситалар: тўлов терминали - Картанинг тўлов қобилиятини текширишга, Карталар тўғрисидаги маълумотларни электрон йиғишга ва уни қайта ишлаш учун банкка алоқа воситалари орқали электрон шаклда ўтказишга қодир бўлган қурилма;
<b>Авторизация</b>	эмитент-банк томонидан эгасининг картасидан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга оширишга берилган ва унинг тўловни амалга ошириш мажбуриятини келтириб чиқарадиган рухсат.
<b>Авторизация коди</b>	авторизация натижасида олинган, авторизация пайтида терминал

	квитансиясида жойлашган ҳарфли-рақамли код.
<b>Тўлов</b>	сотилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга оширишда эгасининг картасидан пул маблағларини ҳисобдан чиқаришга сўров.
<b>Бекор қилиш</b>	сотиб олгандан кейин қайтарилганда ёки хизмат бекор қилинганда, муваффақиятли авторизацияни бекор қилишни талаб қилиш жараёни. Амалиёт фақат натижаларни таққослашгача (сверка итогов) амалга оширилиши мумкин.
<b>Қайтариш</b>	илгари сотиб олинган маҳсулотни қайтариб беришда ёки хизматни бекор қилганда, эгасининг картасига маблағни қайтариш учун авторизация сўраш операцияси. Ушбу амалиётни натижаларни таққослагандан (сверка итогов) кейин амалга ошириш мумкин.
<b>Балансни сўраш</b>	Агар бу эмитент-банк томонидан таъқиқланмаган бўлса, эгасининг картаси қолдиғини текширишга имкон берадиган молиявий бўлмаган операция.
<b>Натижаларни таққослаш</b>	терминал томонидан амалга оширилган авторизацияни Банкнинг процессинг маркази билан тасдиқлаш тўғрисидаги, операция циклининг муваффақиятли яқунланганлигини тасдиқловчи ахборот операцияси.
<b>Ваучер</b>	Қайтаришга чек - агар эгаси ушбу хизмат учун Транзакция амалга оширилган бўлса ва маҳсулот/хизматдан воз кечса, Корхона томонидан тўловни қайтариш тўғрисида тузилган хабарнома шакли;
<b>Қоғоз нусхалари</b>	Ҳисобот даврида амалга оширилган барча операциялар учун Ускунанинг чеклари ёки назорат лентаси нусхалари;
<b>Транзакцияларни қайта ишлашга юбориш</b>	Транзакциялар охириги юборилган вақтдан бошлаб, Банкка қайта ишлаш учун жўнатиш бўйича Корхона томонидан амалга оширилган жараён.
<b>Тариф</b>	Корхона томонидан Банк фойдасига тўланадиган, ускуналардан фойдаланиш билан боғлиқ ва бошқа тўловлар миқдори.
<b>Процессинг Маркази</b>	БТТ (Банклараро тўлов тизими)да иштирок этувчи банклар билан шартномавий муносабатларга эга бўлган микропроцессор карталаридан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимининг иштирокчилари ўртасида ўзаро ахборот клиринг транзакцияларни амалга оширадиган "Ягона Умумреспублика Процессинг Маркази" (ЯУПМ, UZCARD) МЧЖ ёки «Milliy Banklararo Protessing Markazi» (МБПМ, НУМО) МЧЖ;
<b>ХТТ</b>	ЕОПЦ/НМПЦ терминалларида халқаро тизимларнинг пластик карталарига хизмат кўрсатишга имкон берадиган ЯУПМ/МБПМ-ларга асосланган халқаро тўлов тизими.
<b>Ортиқча тўлов (surcharge)</b>	операция учун карта эгасидан халқаро тўлов тизимлари фойдасига олинадиган комиссия.
<b>Чарджбэк</b>	эмитент-банк томонидан амалга оширилган операцияга (карта эгасининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида) эътироз (протест) билдириш тартиби, унда тўлов суммаси аксепт ҳолда Банкдан ушлаб қолинади ва ХТТ орқали карта эгасига қайтарилади.
<b>merchant fee</b>	Савдо терминалидаги айланма суммасидан олинадиган комиссия.
<b>Шартнома</b>	Қуйидаги ҳужжатлар мажмуи: мазкур шартнома ва шартномага қўшилиш учун Ариза.
<b>Тўлов-терминали ускунасинининг ижараси тўғрисидаги шартномага қўшилиш бўйича Ариза (Кейинги ўринларда - Ариза)</b>	Ташкилотнинг тўлов-терминали ускунасинининг ижараси тўғрисидаги шартномага қўшилишга хоҳиш билдирганлигини акс эттирувчи ҳужжат.

## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Корхона Банк томонидан тақдим этилган ускуналардан фойдаланган ҳолда, товар ёки хизматлар учун карта эгаларидан тўловларни қабул қилади.

1.2. Банк қуйидаги банк карталарига хизмат кўрсатади:

- UZCARD EMV тизими;
- HUMO тизими;
- ХТТ томонидан ишлаши таъминланадиган халқаро пластик карталар.

1.3. Ушбу Шартнома бўйича барча ҳисоб-китоблар миллий валютада амалга оширилади. Банк, ускуналарни ижараси учун тўловни, UZCARD ва HUMO пластик карталари учун тўлов терминалидан савдо айланманинг 0,2% миқдоридagi комиссияни (**merchant fee**), UZCARD ва HUMO тўлов терминаллари орқали халқаро пластик карталардан фойдаланган ҳолда ўтказилган операциялар учун 1 % миқдоридa комиссияни ва Банк тарифи бўйича ускуналар билан боғлиқ бошқа тўловларни ундиради.

1.4. Терминал орқали тўловларни амалга ошириш икки босқичга бўлинади:

- авторизацияни амалга ошириш;
- якуний натижаларни таққослаш (сверка итогов).

1.5. Авторизация тўлов операцияларини амалга оширишда, бекор қилиш, пулни қайтариш ёки карта ҳисобварағининг қолдиғини кўрсатишда амалга оширилади.

1.6. Авторизация, агар у карта эгаси эмитент-банки томонидан тасдиқланган бўлса, муваффақиятли деб ҳисобланади. Бундай ҳолда, терминалда транзакция суммаси, карта эгаси ва Корхона маълумотлари, муваффақиятли тўлов тўғрисида хабар (ТАСДИҚЛАНГАН) ва авторизация коди бўлган чекнинг 2 нусхаси чоп этилади.

1.7. Авторизация коди терминалда операцияни бажаришда процессинг марказидан олиниши керак. Код, агар процессинг марказининг маълумотлар базасида бўлса, у процессинг марказидан олинган деб ҳисобланади.

## 2. БАНКНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Банк қуйидагиларга мажбурдир:

2.1.1. Тўлов терминали ажратиш бўйича мурожаат келиб тушган кундан бошлаб, 10 (ўн) банк иш куни мобайнида карта эгаларига хизмат кўрсатиш учун ускуналар(терминал)ни Корхонага олди-берди далолатномасига асосан ўрнатиш ва топшириш.

2.1.2. Корхона ходимларига Ускунадан фойдаланиш қоидаларини ўргатиш.

2.1.3. Кейинги иш кунидан кечиктирмай, амалга оширилган Транзакцияларни қайта ишлаш, барча қайта ишланган транзакциялар суммасини Корхонанинг кўрсатилган ҳисоб рақамига ўтказиб бериш;

2.1.4. Корхонанинг ёзма аризасига биноан UZCARD EMV, HUMO ва ХТТда ишловчи халқаро пластик карталардан фойдаланган ҳолда Корхона томонидан амалга оширилган барча операциялар тўғрисида маълумотларни (ҳисоботлар) бериш;

2.1.5. Транзакцияларни қайта ишлашга жўнатиш тартиби тугагандан сўнг, Корхонани Стоп Листнинг янги версиялари ва бошқа керакли маълумотлар билан таъминлаш.

2.1.6. Банк уч иш кунида тўлов терминалини соз ҳолатга келтириш чораларини кўриши ва тўлов терминали соз ҳолатга келгунга қадар, вақтинчалик бошқа терминал билан таъминлаб туриши шарт ҳамда тўлов амалиётларини тўлов тизими операторлари томонидан юборилган файллар клиринг қилиниши, бир иш кунидан кечиктирмаган ҳолда, мижозларнинг ҳисобварағига ўтказилиши лозим.

## 3. БАНКНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

3.1. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.1.1. Агар Корхона ушбу Шартноманинг 5.2-банди шартларини бузганда ва 6.3-бандни қайта-қайта бузганда, шунингдек, корхона бир ой ичида Карта Эгаларига хизмат кўрсатмаса, Шартномани бир томонлама бекор қилиш;

3.1.2. Агар Транзакция бўйича маблағларни Корхонага ўтказиш амалга оширилган бўлса, қуйидаги ҳолатларда Транзакциялар бўйича пул ўтказмаларини тўхтатиб туриш - Транзакция суммасидан тўловни қайтариб олиш амалга оширилади, агарда:

- Транзакция бўйича маълумотлар нотўғри, ноўрин шаклда бажарилган бўлса;
- Карта эгаси Транзакция билан боғлиқ даъво берган ва ушбу талаб қондирилган бўлса;
- Корхонани ўзгартириш ёки тугатиш жараёни мавжуд бўлса. Бундай ҳолда, тўловлар юридик

ворис масаласини тугатиш комиссияси ёки бошқа ваколатли органлар қарорига қадар ушлаб турилади;

• Корхона ушбу Шартноманинг 6.3-бандида белгиланган мажбуриятларни бажармаса.

3.1.3. Банкнинг расмий веб-сайтида ([www.ofb.uz](http://www.ofb.uz)) маълумот жойлаштириш орқали, ўзгартиришлар киритилишидан камида 10 кун олдин Корхонани олдиндан хабардор қилиб, бир томонлама тарифларни ўзгартириш;

3.1.4. Ускунадан фойдаланиш қоидаларини бузган ҳолда ҳамда Транзакцияларни қайта ишлашга нотўғри юборилган тақдирда, ҳар қандай Транзакция учун пул тўламаслик ва ушбу ҳужжатларни қайта ишлаш бўйича барча харажатларни Корхона зиммасига юклаш;

3.1.5. Корхонанинг ҳисоб рақамидан ускуналар ижараси учун тўлов, UZCARD ва HUMO пластик карталари учун тўлов терминалида савдо айланмасининг 0,2% миқдоридаги комиссия (merchant fee), UZCARD ва HUMO тўлов терминаллари орқали халқаро пластик карталардан фойдаланган ҳолда ўтказилган операциялар учун 1 % миқдорида комиссияни ва банк тарифига мувофиқ бошқа тўловларни корхонанинг фармойишисиз (акцептсиз) ечиб олиш.

3.1.6. Агар ушбу шартноманинг 4.1.16-кичик банди дефект далолатномасида белгиланган муддат ичида бажарилмаган тақдирда, Банк Корхонанинг буйруғисиз, дефект актида кўрсатилган суммани корхонанинг ҳисоб рақамидан белгиланган тўлов муддати тугаганидан кейин, 5 (беш) кун ичида ҳисобдан чиқаришга ҳақлидир.

3.1.7. Корхона томонидан аввал амалга оширилган операциялар бўйича низоли ҳолат (чарджбек) бўлганда, ҳамда Карта эгаси томонидан ўтказилган операциялар бўйича эътироз билдирилганда, Корхонанинг буйруғисиз, корхонага қоплаш учун ўтказиладиган умумий суммасидан тўлов қайтариб олинади.

#### **4. КОРХОНАНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4.1. Корхона қуйидаги мажбуриятларга эга:

4.1.1. UZCARD EMV, HUMO ва ХТТда ишлайдиган халқаро пластик карталардан хизматлар/товарларга тўловларни қабул қилиш учун тўлов терминалининг алоқа каналларини процессинг марказлари серверларига уланишини таъминлаш;

4.1.2. Карта эгаларидан товарларга/хизматларга нархларни оширмасдан, товар/хизматлар учун нақд пул билан бир хил шартларда тўловларни қабул қилиш;

4.1.3. ҳар куни, жорий кун давомида амалга оширилган Транзакциялар натижаларини таққослаш ишларини амалга ошириш, Қайтариш Чекини олганидан кейин, кейинги банк кунидан кечиктирмай, Карта эгаларининг карта ҳисобварағига тўловларни қайтариш;

4.1.4. ҳар куни иш куни охирида онлайн операциялар натижаларини таққослаш бўйича операцияларни амалга ошириш ва тўлов тизими шартли белгиси бўлишини таъминлаши шарт;

4.1.5. ўзининг ҳар бир биноларида Банк томонидан тақдим этиладиган реклама белгиларини ёки бошқа материалларни етарли даражада намоиш этиш ва Карталар Корхона томонидан тўлов воситаси сифатида қабул қилинганлигини кўрсатиш учун фақат Банк томонидан тасдиқланган номлар ёки расмлардан фойдаланиш;

4.1.6. Банк билан Шартнома шартлари бўйича ҳар қандай реклама материалларини келишиб олиш ва унинг ёзма розилигини олиш;

4.1.7. терминал чекларининг иккинчи нусхаларини улар чиқарилган кундан бошлаб 1 йил ичида сақлаш ва Банкнинг биринчи талабига биноан уларни 3 банк куни ичида Банкка топшириш;

4.1.8. тўлов сифатида тақдим этилган картани, агар у стоп-лист рўйхатида бўлса ва терминал дисплейига тегишли хабар келиб тушса, барча мавжуд қонуний воситалар билан ушлаб туриш;

4.1.9. операцияларни ўтказиш учун банк томонидан тасдиқланган сарф материалларидан фойдаланиш;

4.1.10. Банкнинг биринчи ёзма талабига биноан, агар сарф материаллари банк томонидан тақдим этилган бўлса, фойдаланилмаган сарф материалларини унга 3 банк куни ичида қайтариш;

4.1.11. Амалга оширилган Транзакцияни тасдиқлаш учун карта эгасига чиқарилган чек нусхасини (тўлов қайтарилганда ваучернинг биринчи нусхасини) топшириш;

4.1.12. Хабар қилинганидан кейин 1 банк куни ичида, Шартномага мувофиқ, Банкнинг Корхонадан талаб қилишга ҳақли бўлган ҳар қандай операцияси бўйича суммани банкка қайтариш;

4.1.13. Корхонанинг манзили, ускуна(терминал)нинг жойлашуви ва банк реквизитлари билан боғлиқ барча ўзгаришлар тўғрисида дарҳол Банкни ёзма равишда хабардор қилиш;

4.1.14. Шартнома муддати тугаганда ёки уни муддатидан олдин бекор қилгандан сўнг, ускунани

Банкка 2 кун ичида бузилмаган ва бут ҳолатда қайтариш;

4.1.15. Ускуналар бузилган тақдирда, ускуналарнинг ишламай қолиши/бузилиши тўғрисидаги далолатномани тузиб ва сервис марказининг далолатномасида кўрсатилган ускунанинг таъмирлаш харажатларини Банкга қоплаб бериш;

4.1.16. Ускуналар йўқолган ёки тўлиқ бузилган тақдирда, йўқолганлиги тўғрисида далолатнома тузиш ва Банкка олди-берди далолатномасида кўрсатилган ускунанинг нархини қоплаб бериш.

4.1.17. Ускунанинг ижара тўловини, UZCARD ва HUMO пластик карталаридан тўлов терминалидаги савдо айланмасининг (merchant fee) 0,2 фоиз миқдордаги тўловини, UZCARD ва HUMO тўлов терминаллари орқали халқаро пластик карталардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган операциялар учун 1% миқдордаги тўловни ва Банк тарифига мувофиқ бошқа тўловларни ўз вақтида тўлаш.

4.1.18. Халқаро пластик карталардан тўловни амалга оширишдан олдин, карта эгасини тўлов миқдорининг 1,5% миқдорида қўшимча тўлов ҳақида огоҳлантириш (surcharge). Бундай ҳолда, ортиқча тўлов миқдори халқаро тўлов тизимлари фойдасига автоматик равишда олинади, агар карта эгаси ушбу бандда кўрсатилган миқдордаги ортиқча тўловни тўлашга рози бўлмаса, тўловни қабул қилмаслик.

4.1.19. Шартномага қўшилгандан сўнг, Шартномага ёки Тарифларга бўлган ўзгартиришларни мустақил равишда кузатиб бориш.

4.1.20. Карта эгаси амалга оширилган операция бўйича норозилик билдириб банк-эмитентга мурожаат қилган тақдирда, 3 иш куни ичида ёзма мурожаат асосида чарджбекнинг тўлиқ миқдори(суммаси)ни банкка қайтариб бериш.

4.1.21. Тўлов терминали техник ёки дастурий носоз ҳолатга келиб қолганда, корхона раҳбари бу ҳақда бир кундан кечиктирмасдан давлат солиқ хизмати органига ва хизмат кўрсатувчи банкка ёзма ёки электрон шаклда хабар бериши шарт.

4.1.22. Корхона ўзидаги мавжуд тўлов терминаллари бошқа субъектларга фойдаланиш учун бериши мумкин эмас.

## **5. КОРХОНА ҲУҚУҚЛАРИ**

### **5.1. Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

5.1.1. Банкдан ёзма равишда амалга оширилган операциялар бўйича ҳисоботларни талаб қилиш;

5.1.2. Банк ходимларидан қўшимча инструктаж ўтказиш тўғрисида ёзма равишда сўраш;

5.1.3. ускуналарни ижарага олганлиги учун банкнинг ойлик комиссиясини, UZCARD ва HUMO пластик карталаридан тўлов терминалидаги савдо айланмаси суммасидан олинандиган комиссияни (merchant fee), халқаро пластик карталардан фойдаланган ҳолда UZCARD ва HUMO тўлов терминаллари орқали амалга оширилган операциялар учун тўлов суммасининг 1% миқдордаги тўловни ва Банк тарифига асосан бошқа тўловларни ўз ихтиёри билан тўлаш.

5.1.4. Олдиндан амалга оширилган операциялар учун тўловни қайтариб олиш тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб 5 иш куни ичида, Банкка тўловни қайтариб олишга протест бериш тўғрисида ариза юбориш ва карта эгасининг протестига(эътирозига) шикоят қилиш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни илова қилиш.

5.1.5. Карта эгаларига хизмат кўрсатиш учун қўшимча ускуналар олиш учун банкка мурожаат қилиш. Бундай ҳолда, Корхона ва Банк ўртасида ушбу шартномага қўшимча равишда Шартноманинг олди-берди далолатномаси имзоланади. Қўшимча ускуналарни тақдим қилиш ушбу Шартномада белгиланган тартибда амалга оширилади. Қўшимча имзоланган олди-берди далолатномаси ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

### **5.2. Корхона қуйидагиларга ҳақли эмас:**

5.2.1. Карта эгаси томонидан тўлов қайтарилганда, яъни маҳсулот ёки хизматдан рад этилган тақдирда, нақд пул бериш билан тўловни қайтариш; ушбу ҳолатда, Корхона Қайтариш Чекини расмийлаштириши керак ва кейинчалик унинг асосида Карта эгасининг карта ҳисобварағига маблағ ўтказиб берилади;

5.2.2. Стоп лист рўйхатида кўрсатилган Карталарни тўлов воситаси сифатида қабул қилиш;

5.2.3. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ назорат функцияларига эга бўлган шахслардан ташқари, бошқа шахслар ва ташкилотларга, асбоб-ускуналар, сарф материаллари, тажриба ва амалга оширилган транзакциялар бўйича маълумотларни тақдим қилиш;

- 5.2.4. бир хил Транзакция учун худди шу шаклдаги маълумотларни қайта тақдим этиш;  
5.2.5. мустақил равишда ускуна параметрларини ва чек конфигурациясини ўзгартириш.

## **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Бир томон Шартнома мазмуни билан боғлиқ ҳолда бошқа томонга зарар етказган тақдирда, айбдор томон зарарни қоплайди;

6.2. Банк қўйидагилар учун жавобгар бўлмайди:

6.2.1. Шартнома шартларига жавоб бермайдиган ёки уларга зид бўлган Транзакциялар учун тўловларни таъминлаш;

6.2.2. ушбу шартноманинг 3.1.2-бандда кўрсатилган сабабларга кўра тўловлар кечиктирилгани учун;

6.2.3. учинчи (чет) ташкилотлар (ЯУПМ ёки МБПМ) айби билан UZCARD EMV, HUMO ва/ёки ХТТнинг ишлашида юзага келадиган туриб қолиш (тўхтаб қолиш)лар учун.

6.2.4. онлайн операциялар натижаларини солиштириш операцияси (сверка итогов) ўз вақтида амалга оширилмагани сабабли, онлайн савдо операцияларини бекор қилишни шакллантириш учун.

6.2.5. товар (иш, хизмат ва бошқалар) сотувчиси томонидан ўтказилган тўлов операцияси тўғрисида ҳужжат ёки ахборот мавжуд бўлмаганда;

6.2.6. товар (иш, хизмат ва бошқалар) сотувчиси томонидан ноқонуний ҳаракатлар амалга оширилганда.

6.3. Корхона қўйидагилар учун тўлиқ жавобгардир:

6.3.1. Транзакцияларни қайта ишлашга ўз вақтида юбормаганлик ва стоп лист рўйхатини янги версиясини олмаганлик натижасида, СТОП листда турган Картага ҳизмат кўрсатилгани учун;

6.3.2. Корхона томонидан ушбу Шартноманинг қоидалари бузилганлиги сабабли Банкага етказилган зарар учун;

6.3.3. Ушбу шартнома асосида Корхонага берилган мол-мулкнинг бутлиги ва ишчи ҳолатдалиги.

## **7. МАХФИЙЛИК**

7.1. Корхона, Банк каби, Шартнома бўйича маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш учун жавобгардир;

7.2. Банк ва Корхона томонидан бир-бирига тақдим этилган Шартнома мавзусига оид маълумотлар махфий ҳисобланади. Учинчи шахслар томонидан олинган маълумотларнинг ошкор қилинишини олдини олиш учун томонлар барча зарур ва етарли чораларни кўрадилар.

## **8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР.**

8.1. Ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда, Томонлар, уларнинг вакиллари, ходимлари ёки воситачилари ҳар қандай шахсларга, бундай шахсларнинг ҳаракатлари ёки қарорларига ҳар қандай қонунга хилоф бўлган имтиёзлар ёхуд бошқа ноқонуний мақсадда таъсир кўрсатиш учун ҳар қандай шахсларга тўғридан-тўғри ёки билвосита тўламайдилар, тўловни таклиф этмайдилар, ҳар қандай пул маблағлари ва қимматбаҳо нарсаларни тўлашга рухсат бермайдилар.

8.2. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг вакиллари, ходимлари ёки воситачилари, ушбу Шартноманинг мақсадлари учун қўлланиладиган қонунчиликда малакаланган пора бериш/олиш, тижорат пора олиш, шунингдек, жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришга доир қўлланиладиган қонунчилик ва халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2017 йил, 23 майда 2886-сон билан рўхатга олинган).

8.3. Ушбу Шартноманинг Томонларидан ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришидан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар, ходимнинг муайян қарамликка қўядиган ҳамда ушбу ходим томонидан уни рағбатлантираётган Томоннинг фойдасига бирор-бир иш(хизмат)ни текин бажарилишидан бош тортадилар.

8.4. Агар Томон ҳар қандай коррупцияга қарши шартларнинг бузилиши содир бўлган ёки юзага келиши мумкин деб гумон қилса, тегишли Томон бошқа томонни ёзма ёки оғзаки равишда ишонч телефони орқали хабардор қилишни ўз зиммасига олади.

8.5. Томонлар ўзларининг мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши шартларини бузганликлари Шартноманинг бекор қилинишига олиб келиши мумкинлигини тан олишади.

8.6. Томонлар ушбу битимнинг коррупцияга қарши шартларини амалга оширишда тўлиқ махфийликни кафолатлайдилар.

## **9. ФОРС-МАЖОР**

9.1. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бу бажарилмаганлик ёки қисман бажарилмаганлик, Шартнома тузилгандан кейин юзага келган ҳамда томонлар мавжуд чоралар билан уни бартараф эта олмайдиган, кечиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) натижасида юзага келган бўлса жавобгарликдан озод қилинади.

9.2. Агар кечиб бўлмайдиган кучлар ҳолати ваколатли органлар томонидан Қонунда белгиланган тартибда тасдиқланган бўлса, улар форс-мажор ҳолатлари деб ҳисобланади;

## **10. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

10.1. Шартнома тарафлари томонидан ижро этилиш жараёнида юзага келадиган барча низолар томонлар ўзаро мақбул ечимни ишлаб чиқиш мақсадида олдиндан кўриб чиқадиладар;

10.2. Шартнома билан боғлиқ низо ва келишмовчиликлар музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилмаса, низо Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ савдо-терминалини берган Банк филиали (алоҳида бўлинмаси) жойлашган ҳудуддаги тегишли судда кўриб чиқилади.

## **11. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ**

11.1. Шартнома/Тарифларга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар (шу жумладан, банк томонидан шартноманинг янги версиясида тасдиқлаш) банк томонидан мустақил равишда амалга оширилади;

11.2. Шартнома ва/ёки Тарифларга киритилган ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчалар кучга кириши учун Банк ахборотни ошкор қилиш тартибига амал қилади;

11.3. Барча иловалар, қўшимчалар ва йўриқномалар Шартноманинг ажралмас қисмлари ҳисобланади ва бажариш учун мажбурийдир;

11.4. Оммавий нашр этилган маълумотлар билан Корхона таништирилган пайт Корхона учун маълумотлар эркин тарзда кўра олиш имконияти мавжуд бўлган вақт ҳисобланади;

11.5. Барча шартномага қўшилган шахсларнинг, Шартномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар билан таъминлаш мақсадида, Корхона камида 10 (ўн) календар кунида бир марта мустақил равишда ёки ваколатли шахслар орқали шартномага ва/ёки тарифларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида маълумот олиш учун банкка мурожаат қилиши шарт;

11.6. Шартнома ва/ёки Тарифларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар Корхонани киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида дастлаб хабардор қилинган кундан бошлаб 10 (ўн) календар кундан кейин кучга киради.

11.7. Шартнома ва/ёки Тарифларга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар мазкур шартномага қўшилган барча шахсларга, шунингдек бундай ўзгартиришга киритилишидан аввал шартномага қўшилган шахсларга ҳам татбиқ этилади;

11.8. Агарда Банк томонидан Шартнома ва/ёки Тарифларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга рози бўлмаса, Корхона бундай ўзгартириш ва қўшимчалар кучга киришидан олдин, муддатидан аввал шартномани бекор қилишга ҳақли. Корхона Банк томонидан Шартномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан 10 (ўн) календар куни ичида Банк филиалига мурожаат қилмаган тақдирда рози эканлигини англатади;

11.9. Корхона ариза асосида, шартномага қўшилгандан сўнг, келгусида юзага келадиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар мазкур шартномага/тарифларга (шу жумладан, шартноманинг янги таҳрири Банк томонидан тасдиқланишига) ўз розилигини билдиради ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 361 моддасига асосан “дастлабки розилик” деб ҳисобланади.

## **12. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

12.1. Шартнома имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва 3 календар йил муддатига тузилади. Агар шартноманинг амал қилиш муддати тугаган бўлса, томонларнинг бирортаси ушбу шартномани бекор қилиш ниятини билдирмаган бўлса, унда шартнома келгуси бир календар йилга узайтирилган ҳисобланади.

12.2. Шартнома томонлардан бирининг ташаббуси билан, шартномани бекор қилишдан 5 кун

олдин бошқа томон ёзма равишда огоҳлантирилгандан сўнг бекор қилинади.

Шартнома қуйидаги ҳолатларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг ўзаро ёзма розилиги билан;

- томонлардан бири ушбу шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаган тақдирда;

- томонлардан бирининг ташаббуси билан, тугатилишидан камида 5 кун олдин ёзма равишда огоҳлантириш мавжуд бўлганда;

12.3. Шартнома бекор қилинганда ёки корхона бошқа банкка ўтганда, савдо терминали банкка қайтарилади.

### **13. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

13.1. Банк почта жўнатмалари (хабарнома билан), телефон хабарлари, факс хабарлари, аризада кўрсатилган манзиллар ва телефон рақамларидан фойдаланган ҳолда, шартномани бажариш билан боғлиқ ҳолатлар тўғрисида Корхонани хабардор қилади;

13.2. Ушбу Шартномани имзолаш пайтидаги, шунингдек, келгусида имзоланадиган унинг барча иловалари, ушбу Шартноманинг ажралмас қисми бўлиб, унинг амал қилиш муддати давомида амал қилади.

13.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Банкнинг ички техник тартибига мувофиқ ҳал этилади.

### **14. ИЛОВАЛАР**

14.1. Шартноманинг барча қўшимчалари унинг ажралмас қисмидир.

14.2. Қуйидаги иловалар шартноманинг стандарт шакли бўлиб, ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатлар юзага келишига қараб тузилади.

14.2.1. Илова №1 - Корхона анкетаси;

14.2.2. Илова №2 - Ускунани олди-берди далолатномаси;

14.2.3. Илова №3 - Ускунани қайтариб бериш далолатномаси;

14.2.4. Илова №4 - Тўловни қайтаришга Чек;

14.2.5. Илова №5 - Ишга яроқсизлик/синганлик далолатномаси;

14.2.6. Илова №6 - Йўқотиб қўйиш далолатномаси;

14.2.7. Илова №7 - *КОРХОНА ВА ХОДИМЛАРИГА САВДО ТЕРМИНАЛИ ВА «UZCARD» СЎМЛИ БАНК КАРТАСИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА (электрон варианты билан [www.ofb.uz/](http://www.ofb.uz/).....сайтида танишиб чиқиш мумкин );*

14.2.8. Илова №8 - *КОРХОНА ВА ХОДИМЛАРИГА САВДО ТЕРМИНАЛИ ВА «НУМО» СЎМЛИ БАНК КАРТАСИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА ЙЎРИҚНОМА (электрон варианты билан [www.ofb.uz/](http://www.ofb.uz/).....сайтида танишиб чиқиш мумкин ).*



## КОРХОНА АНКЕТАСИ

Корхонанинг номи: \_\_\_\_\_

Банк реквизитлари:

**Миллий валютадаги асосий ҳисоб рақам:**

Банкнинг номи: \_\_\_\_\_

Филиалнинг МФО коди: \_\_\_\_\_ Х/р: **2**

